

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ
МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

763 «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2242-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2011 йил 6 июлдаги 01-222/1-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2242, 2011 йил 8 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 28-сон, 293-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 21 июль,
01-328-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
тест маркази директорининг 2017 йил
21 июлдаги 01-328-сон буйруғига
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқда:

- а) номидаги ва 1-бандидаги «талабаларни қабул қилишда» деган сўзлар «талабаларни ўқишга қабул қилишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
б) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**».

2. Низомда:

- а) номидаги, 2 — 4, 6 — 17, 19 ва 20-иловаларнинг илова белгиларидаги «талабаларни қабул қилишда» деган сўзлар «талабаларни ўқишга қабул қилишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддиманинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг (бундан буён матнда таълим муассасалари деб юритилади) бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартибини белгилайди.»;

- в) 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Қабул комиссияси қабул жараёни бошланган кунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом, мазкур Низом, таълим йўналишлари, таълим шакли ва тили бўйича қабул квоталари, тест ўтказиладиган фанлар рўйхати ҳамда ихтисослик бўйича ижодий имтихон топшириладиган таълим йўналишларини қабул комиссиясининг эълонлар тахтасига жойлаштириши лозим.»;

г) 11-банднинг иккинчи хатбошисидаги «(агар шундай ҳужжатлар бўлса),» деган сўзлардан кейин «тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва I гуруҳ кўзи ожиз ногиронлиги тўғрисида маълумот,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

д) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Таълим йўналишлари, ўқитиш шакли ва тили бўйича таълим муассасасига топширилган ҳужжатлар сони, шу жумладан, фан олимпиадалари ғолиблари, ҳарбий ва бошқа имтиёзга эга бўлган ҳамда тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва I гуруҳ кўзи ожиз ногирон абитуриентлар томонидан топширилган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар абитуриентлар ва оналар эътибори учун қабул комиссияси томонидан ҳар куни эълон қилиб борилади.»;

е) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Қабул комиссияси 20 июлгача бўлган муддатда мазкур Низомнинг 1-илоvasи 1 — 5-шакллари бўйича маълумотларни қабул комиссиясининг раиси ва масъул котиби томонидан тасдиқланган ҳолда Давлат тест марказига тақдим этади ва ушбу ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиши қатъиян ман қилинади.»;

ж) 17, 92 ва 99-бандлардаги «қабул қилиш бўйича» деган сўзлар «ўқишга қабул қилиш бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 20-бандда:

биринчи хатбошидаги «қабул қилиш бўйича» деган сўзлар «ўқишга қабул қилиш бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қабул комиссиялари тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар бўлган абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили, жавоблар варақаси рақами кўрсатилган ҳолда 1 август куни мазкур Низомнинг 5-илоvasи 5-шакли бўйича Давлат тест маркази орқали Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига кундузги ва махсус сиртқи бўлимлар учун тақдим этадилар.»;

и) 71-банднинг иккинчи хатбошисидан «ёзув тахтаси (доска)га илиб қўйилган плакатдан фойдаланиб,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

к) 84-банддан «таълим муассасасининг коди,» ҳамда «ва танлов коди-ни» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

л) 85-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«85. Абитуриент томонидан титул варақасидан жавоблар варақасига кўчирилган махсус код абитуриентнинг таълим тили, таълим йўналиши, таълим муассасаси, ижодий ва чет тили имтиҳонлари баллари, тўлиқ давлат таъминотидаги етим бола эканлиги ҳамда ҳарбий имтиёзини белгиловчи ягона маълумот бўлганлиги сабабли тўлдирилмаган жавоблар варақаси бўйича натижа чиқарилмайди ва эътирозлар қабул қилинмайди.»;

м) 1-иловада:

илова белгисидаги «талабаларни қабул қилишда» деган сўзлар «талабаларни ўқишга қабул қилишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-илоvasига мувофиқ таҳрирда 5-шакл билан тўлдирилсин;

н) 5-иловада:

илова белгисидаги «талабаларни қабул қилишда» деган сўзлар «талабаларни ўқишга қабул қилишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирда 5-шакл билан тўлдирилсин;

о) 18-иловада:

илова белгисидаги «талабаларни қабул қилишда» деган сўзлар «талабаларни ўқишга қабул қилишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «таълим муассасасининг коди,» ҳамда «ва танлов кодини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Абитуриент томонидан титул варақасидан жавоблар варақасига кўчирилган махсус код абитуриентнинг таълим тили, таълим йўналиши, таълим муассасаси, ижодий ва чет тили имтиҳонлари баллари, тўлиқ давлат таъминотидаги етим бола эканлиги ҳамда ҳарбий имтиёзини белгиловчи ягона маълумот бўлганлиги сабабли тўлдирилмаган жавоблар варақаси бўйича натижа чиқарилмайди ва эътирозлар қабул қилинмайди.»

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2017 йил 14 июль

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 19 июль

Маданият вазири

М. МУРАТОВ

2017 йил 17 июль

*Жисмоний тарбия ва спорт
давлат қўмитаси раиси*

Р. ҚУРБОНОВ

2017 йил 17 июль

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

З. МИРЗАЕВ

2017 йил 20 июль

30 (790)-сон

— 429 —

763-модда

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири в. б*

Ш. ШЕРМАТОВ

2017 йил 12 июль

*Ўзбекистон Бадий
академияси раиси*

А. НУРИДИНОВ

2017 йил 13 июль

*«Ўзбекистон темир
йўллари» АЖ раиси*

А. РАМАТОВ

2017 йил 18 июль

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2017 йил 20 июль

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2017 йил 19 июль

*«Навоий кон-металлургия
комбинати» ДК бош директори*

Қ. САНАҚУЛОВ

2017 йил 21 июль

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2017 йил 20 июль

763-модда

— 430 —

30 (790)-сон

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«5-шакл

**Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар
бўлган абитуриентлар
РЎЙХАТИ**

_____ (таълим муассасаси номи)

_____ (йил ва сана)

Т/р	Махсус коди	Таълим тури	Танлов коди	Таълим тили	Абитуриентнинг Ф.И.О.

Қабул комиссияси раиси _____ М.Ў.
(Ф.И.О.) (имзо)».

30 (790)-сон

— 431 —

763-модда

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«5-шакл

**Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар бўлган
абитуриентлар ҳақидаги
МАЪЛУМОТ**

_____ (таълим муассасаси номи)

_____ (йил ва сана)

Т/р	Махсус коди	Таълим тури	Танлов коди	Таълим тили	Жавоблар варақаси рақами	Абитуриентнинг Ф.И.О.

Қабул комиссияси раиси _____ М.Ў.
(Ф.И.О.) (имзо)».